

**Марказий банк томонидан “Умумжаҳон пул ҳафталиги”  
(Global Money Week) доирасида молиявий математика бўйича мактаб  
ўқувчилари учун ташкил этилаётган онлайн тестни ўтказиши  
ҚОИДАЛАРИ**

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Ушбу хужжат “Умумжаҳон пул ҳафталиги” доирасида ўтказилаётган “Молиявий математика” онлайн тестини (бундан буён матнда Онлайн тест деб юритилади) ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солади.

1.2. Онлайн тест мактаб ўқувчилари эътиборини молиявий саводхонликка жалб этиш мақсадида Марказий Банк томонидан интеллектуал беллашувларни ташкил этиш орқали ўтказилади.

1.3. Онлайн тест khiso.uz онлайн платформасида ўтказилади.

**2. ОНЛАЙН ТЕСТНИНГ МАҚСАДИ**

Онлайн тестнинг мақсади ўқувчиларнинг молиявий саводхонлик, молиявий хизматлар истеъмолчиликарининг ҳуқуқларини химоя қилиш ва молиявий математика соҳаларидаги билимларини ошириш хисобланади. Шу орқали қуйидаги масалалар ўз ечимини топади:

- умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида молиявий математикага оид билимларни тарғиб этиш;
- умумтаълим муассасалари ўқувчилари ўртасида молиявий математика кўникмаларини ҳосил қилиш ва уларни оммалаштириш.

**3. ОНЛАЙН ТЕСТ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ**

Онлайн тест ташкилотчилари:

- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки – Молиявий саводхонликни ошириш ва банк мутахассисларини қайта тайёрлаш департаменти;
- khiso.uz веб-сайти платформаси орқали Ал-Хоразмий номидаги халқаро онлайн-олимпиада мактаби.

**4. ОНЛАЙН ТЕСТ ИШТИРОКЧИЛАРИ**

Онлайн тест умумтаълим муассасаларининг 5-11 синф ўқувчилари учун ўтказилади.

**5. ОНЛАЙН ТЕСТНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

Иштирокчиларни рўйхатга олиш Ал-Хоразмий номидаги халқаро онлайн-олимпиада мактаби веб-сайти орқали ([www.khiso.uz](http://www.khiso.uz)) амалга оширилади.

Молиявий математика бўйича Онлайн тест [khiso.uz](http://khiso.uz) веб-сайти платформасида бўлиб ўтади.

Молиявий математика бўйича онлайн саволлар 20 та электрон тестни ўз ичига олади ва уларга жавоб бериш учун 1 соат вақт берилади.

Онлайн тест учун максимал баҳо **100 баллни** ташкил этади.

Онлайн тест натижаларига кўра ҳар бир иштирокчи маҳсус электрон сертификат билан тақдирланади.

## **6. ОНЛАЙН ТЕСТНИНГ ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТАСИ**

Онлайн тестнинг ташкилий қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Ал-Хоразмий номидаги халқаро онлайн-олимпиада мактаби ходимларидан иборат бўлиб, улар қуидагиларни амалга оширади:

- иштирокчиларни рўйхатдан ўтказиш учун ҳаволани эълон қилиш;
- баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;
- Онлайн тест учун саволлар ишлаб чиқиш;
- Онлайн тест саволларини [khiso.uz](http://khiso.uz) электрон платформасига жойлаштириш;
- Онлайн тестни ўтказиш тартиби ва шартларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш;
- Марказий банкнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида Онлайн тест натижалари бўйича маълумот бериб бориш.

Онлайн тестнинг ташкилий қўмитаси 4-бандда кўрсатилган Онлайн тест шартларига жавоб бермайдиган иштирокчиларни огоҳлантиришсиз мусобақадан четлатиш хуқуқига эга.

## **7. ОНЛАЙН ТЕСТДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН РОЗИЛИК БЕРИШ ВА ИШТИРОКЧИЛАРДАН ТАЛАБ ҚИЛИНАДИГАН ТАСДИҚЛАР**

Онлайн тест давомида иштирокчилар ҳақида олинган маълумотлар ташкилотчи ва учинчи шахслар томонидан ахборот ва ҳисбот бериш мақсадида, шунингдек Онлайн тестнинг бош мақсадини амалга оширишда (танлов жараёнларини эълон қилиб бориш мақсадида [khiso.uz](http://khiso.uz) веб-сайтида, Марказий банк ижтимоий тармоқларида, молиявий саводхонлик бўйича [finlit.uz](http://finlit.uz) веб-сайтидаги матбуот релизларида) молиявий саводхонлик ва молиявий хизматлар истеъмолчиларининг хуқуqlарини ҳимоя қилиш масалаларига омма эътиборини жалб қилиш учун исталган шаклда

фойдаланилиши мумкин. Бунинг учун иштирокчига қўшимча ҳақ тўланмайди ва ундан рухсат олинмайди.

Онлайн тестда иштирок этиш иштирокчини Онлайн тест Қоидаларида белгиланган шартларни ўқиб чиққанлигини ва уларга рози эканлигини англатади.

## **8. АРИЗАЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

Онлайн тестда иштирок этмоқчи бўлганлар [khisouz](http://khisouz) электрон платформасида рўйхатдан ўтишлари зарур.

Қўшимча саволлар юзасидан қўйидаги телефон рақамига мурожаат қилинг: +99871 212-73-58.

### **Рўйхатдан ўтиш учун зарур маълумотлар**

Ф.И.Ш.	
Худуд, яшаш манзили	
Телефон рақами	
Ўқиш жойи (умумтаълим муассасасининг рақами)	